

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЗОРОВ ХОЛМУРОД МАХМУДОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИЛАШИБ БОРАЁТГАН БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙДАН ЮҚОРИ ДОН
ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ АГРОТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Бозоров Холмурод Махмудович

Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирларини такомиллаштириш..... 5

Бозоров Холмурод Махмудович

Совершенствование агромероприятий получения высокого урожая зерна озимой пшеницы в условиях сероземных почв с признаками олуговения Джизакской области..... 21

Bozorov Kholmurod Makhmudovich

Improvement of agricultural measures for producing high yields of winter wheat grain in conditions of sierozem soils with transition to meadow type in the Dzhizakh province..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.42.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

БОЗОРОВ ХОЛМУРОД МАХМУДОВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИНИНГ ЎТЛОҚИЛАШИБ БОРАЁТГАН БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА КУЗГИ БУҒДОЙДАН ЮҚОРИ ДОН
ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ АГРОТАДБИРЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

06.01.01 – Умумий деҳқончилик. Пахтачилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2018

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2018.1. PhD/Qx 255 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида (ПСУЕАИТИ) бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.cottonagro.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Халиков Баходир Мейликович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ўразматов Назир қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим Худайкулов Жонибек Бозарович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашнинг «__» _____ 2018 йил соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси (ПСУЕАИТИ). Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–62–37; e-mail: piim@agro.uz).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПТИ кўчаси (ПСУЕАИТИ). Тел.: (+99895) 142–22–35; факс: (99871) 150–62–37.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Нурматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, қ.х.ф.н., катта илмий ходим.

Ж.Х.Ахмедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича бугунги кунда буғдой 132 дан ортиқ мамлакатда етиштирилиб, дон ишлаб чиқаришнинг асосий қисми (92,4 %) рейтингда 1-30 ўринлардаги давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бу борада Ўзбекистон 20-ўринни эгаллайди. Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат тармоқлари, иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш тармоқлари маълумотларига кўра, 2014 йилда 729 млн тонна буғдой дони етиштирилган бўлса, кейинги ўн йилликда бу кўрсаткич аҳоли сони ўсиши билан бирга дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун 7,9 % га, яъни 59,7 млн. тоннага кўп етиштирилиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат етакчи давлатларда жумладан, Хитойда 5,5 %, Ҳиндистонда 7,5 %, Россияда 6,9 %, АҚШда 7,2 % ни ташкил қилади¹.

Дунёнинг буғдой етиштирувчи мамлакатларида буғдойдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш агротадбирлари, жумладан, экиш муддати, суғориш тартиби ва маъдан ўғитлар меъёрини мақбуллаштириш орқали юқори ҳосилдорликка эришилган. Катта майдонларда экиладиган қаттиқ ва юмшоқ буғдой навлари ҳар бири сув-озиқага ўзига хос талабчан ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб турли тупроқ-иқлим шароитлари учун кузги буғдойнинг мақбул экиш муддатига боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш даврларида тупроқ намлиги ҳамда озиқлантиришнинг мақбул муддат ва меъёрини аниқлаш бўйича изланишларни олиб бориш долзарб ҳисобланади. Республикамизда кейинги йилларда ғаллачиликни ривожлантириш ҳамда табиий ресурслар самарадорлигини янада оширишда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Суғориладиган ерларда ҳар бир тупроқ-иқлим шароитларидан келиб чиқиб кузги буғдойни мақбул экиш муддати, суғориш тартиби ва маъдан ўғитлардан самарали фойдаланиш, юқори рентабелликка эга барқарор мўл ҳосил олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган агротадбирларни қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида «... қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, сув ва ресурсларни тежайдиган агротадбирларни қўллаш» муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган. Шунингдек, кузги буғдойдан барқарор юқори ҳосил олишда экиш муддатлари ва суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш даврларида азотли ўғитларга бўлган талабини ўрганиш ҳамда ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги «Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорка ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан

¹ <http://ab-centre.ru/page/proizvodstvo-pshenicy-v-mire-strany-proizvoditeli-pshenicy>

самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 28 февралдаги ПФ-5199-сонли “Пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштиришни молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кузги буғдой навларидан юқори ва барқарор, сифатли ҳосил етиштириш учун турли тупроқ-иқлим шароитларида уларнинг экиш муддатлари, суғориш тартиблари, маъдан ўғитлар қўллаш меъёрлари ва муддатларини ўрганиш борасида бир қатор мамлакатимиз ҳамда чет эл олимлари, жумладан Н.Халилов, Х.Атабаева, Қ.Мирзажонов, Р.Тиллаев, Б.Халиков, Р.Сиддиқов, Н.Ўразматов, А.Аманов, С.Абдурахмонов, А.Иминов, С.Баҳромов, Б.Азизов, N.Dev, G.Grunes, S.J.Peterson, D.R.Shelton, A.M.Shlehuber, B.T.Taker ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва тегишли тавсиялар берилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-025. «Республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларида суғориладиган ердан унумли фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш ҳамда экинлар ҳосилдорлигини ошириш мақсадида пахтачилик мажмуидаги экинларни алмашлаб ва навбатлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-7-007. «Суғориладиган майдонларда тупроқ унумдорлигини сақлаш, ошириш ҳамда ғўза ва ғўза мажмуидаги экинлардан юқори ҳосил етиштиришда янги алмашлаб экиш тизимларини такомиллаштириш» (2012-2014 йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойнинг мақбул экиш муддати ва суғориш тартибини ҳамда азотли ўғитнинг йиллик меъёрини кузги буғдойнинг ривожланиш даврларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг мақбул экиш муддати ва суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш муддатлари, меъёрлари ва тизимини ҳамда маъдан ўғитлардан азотли ўғитни йиллик меъёрини унинг ривожланиш даврларига бўлиб қўллаш муддат ва меъёрларини аниқлаш;

кузги буғдойни экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларининг тупроқни агрофизикавий ҳамда агрохимёвий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини кузги буғдойнинг униб чиқиши, қишлаш даражаси, туп сони, ўсиши ва ривожланиши, бир бошоқдаги дон сони, вазни ҳамда 1000 дона дон вазнига таъсирини аниқлаш;

азотли ўғит меъёрини кузги буғдойнинг ривожланиш даврларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг озика элементларини ўзлаштиришига, тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдорига таъсирини аниқлаш;

ўрганилаётган омилларнинг кузги буғдойни дон ва сомон ҳосилдорлигига, дон сифат кўрсаткичларига таъсирини ҳамда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари, кузги буғдойнинг “Замин-1” (Жайхун) навини экиш муддати, суғориш тартиби ҳамда азотли ўғитнинг йиллик меъёрини унинг ривожланиш даврларида турли меъёр ва муддатларга бўлиб қўллаш олинган.

Тадқиқотнинг предмети кузги буғдойнинг экиш муддати, суғориш тартиблари, тавсия қилинган азотли ўғитни йиллик меъёрини унинг ривожланиш даврларида турли муддат ва меъёрларда қўллаш ҳамда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссаларига, ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлиги, дон сифат кўрсаткичларига таъсири бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузги буғдой бўйича кузатув, ўлчов ва таҳлиллар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, тупроқнинг агрофизикавий, агрохимёвий хоссалари «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» каби қўлланмалар асосида ўтказилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» услуби бўйича математик-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш агротадбирлари такомиллаштирилган;

кузги буғдойни мақбул экиш муддати, суғориш муддатлари ва меъёрлари, мавсумий сув сарфи, азотли ўғитнинг йиллик меъёрини кузги буғдойнинг ривожланиш даврларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг самарадорлиги аниқланган;

тупроқнинг агрофизикавий ҳамда агрохимёвий хоссаларига экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини таъсири аниқланган;

ўрганилган тупроқ-иқлим шароитида мақбул экиш муддати, суғориш тартиби ва озиклантиришнинг кузги буғдойни униб чиқиши, кўчат қалинлиги, қишлаш даражаси, ўсиши-ривожланиши, бир бошоқдаги дон сони, бир бошоқдаги дон вазни ва 1000 дона дон вазни, озика элементларини

ўзлаштириши, тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори, дон ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдой майсаларининг тўлиқ униб чиқиши 01-10.10 муддатда экилганда 15-25.10 муддатга нисбатан 6-7 кунга эртароқ ва 1 м²да 13,8-16,2 донага кўп бўлиши, қишлаши 1,4-1,6 % га юқори бўлиши аниқланган, натижада 3,3 ц/га қўшимча дон ҳосили олишга эришилган.

Кузги буғдой 01-10.10 муддатда экилиб, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % да суғорилганда 60-70-60 % суғориш тартибига нисбатан дон ҳосилдорлиги 2,1 ц/га ошганлиги аниқланган.

Азотли ўғитни йиллик меъёрини кузги буғдойнинг майсалаш даврида 30 кг/га, туплашда 50 кг/га, найчалашда 60 кг/га ва бошоқлашда 40 кг/га меъёрда қўллаш, тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % да суғорилганда энг юқори дон ҳосили олинган ва юқори иқтисодий самарадорликка (29,7 %) эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория усулларида фойдаланган ҳолда вариацион-статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда олинган назарий натижаларни амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижалари республика ва чет эл тадқиқотлари билан таққосланганлиги, тўпланган маълумотлар, ҳисоботлар Илмий кенгашларда муҳокама қилиниб, мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларини Республика ва халқаро илмий анжуманларда қилинган маърузалар натижаларининг ишончлилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кучсиз шўрланган ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойни мақбул экиш муддати, суғоришнинг муддат ва меъёрлари ҳамда маъдан ўғитлардан азотли ўғитни йиллик меъёрини унинг ривожланиш давларида турли меъёрларга бўлиб қўллашнинг мақбул меъёрлари ва самарадорлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кучсиз шўрланган, ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойни мақбул экиш муддати, суғориш тартиби ҳамда азотли ўғитни йиллик меъёрини кузги буғдойнинг ривожланиш давларига тақсимлаб озиклантиришнинг мақбул меъёр ва муддатлари ишлаб чиқилиши натижасида юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш ҳамда кенг жорий этишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилоятининг кучсиз шўрланган ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирларини такомиллаштириш борасида “Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирлари бўйича тавсиялар” ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 07/021-8-сон маълумотномаси). Мазкур

тавсиянома вилоят қишлоқ хўжалиги соҳаси ходимлари, ғалла етиштирувчи деҳқон, фермер хўжаликларида қўлланма сифатида кенг қўлланилмоқда.

Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирлари Пахтакор туманидаги фермер хўжаликлари далаларида 403 гектар ҳамда ПСУЕАИТИ Жиззах илмий тажриба станциясида 10 гектарда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/021-8-сон маълумотномаси). Натижада, кузги буғдой 1-10.10 муддатда экилиб, экиш-майсалаш даврида 30 кг/га, туplashда 50 кг/га, найчалашда 60 кг/га ва бошоқлаш даврида 40 кг/га меъёрда азотли ўғитлар билан озиклантириб, ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % суғориш тартибида парваришланганда 50,2 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштиришнинг мақбул агротадбирлари Арнасой туманининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида 315 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 7 майдаги 02/021-8-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили олишга эришилган ҳамда рентабеллик даражаси 22,3 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ ва ПСУЕАИТИда тузилган махсус апробация комиссияси томонидан назорат қилинган ҳамда ижобий баҳоланган. Тадқиқот натижалари йиллик ҳисоботларда баён қилинган бўлиб, институтнинг услубий ва илмий кенгашларда муҳокама қилинган. Диссертация ишининг асосий илмий натижалари республика ва халқаро илмий анжуманларда 6 марта маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақола чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш агротадбирлари бўйича адабиётлар шарҳи» деб номланган биринчи бобида

мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда суғориладиган майдонларда кузги буғдойдан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда турли тупроқ-иқлим шароитларида экиш муддатлари, суғориш тартиблари ҳамда кузги буғдойни маъдан ўғитлар билан озиклантиришнинг муддат ва меъёрларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар юзасидан олинган натижа, хулоса ва фикрлари баён этилган.

Адабиётлар таҳлилининг сўнгги саҳифасида Жиззах вилоятининг ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан юқори дон ҳосили етиштириш борасида экиш муддатлари, суғориш тартиблари ва уларга боғлиқ ҳолда маъдан ўғит қўллаш муддати ҳамда меъёрларини ишлаб чиқиш, шунингдек, ишлаб чиқариш шароитида уларни қўллаш назарий ва амалий жиҳатдан долзарб масалалардан эканлиги келтириб ўтилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари” деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган минтақанинг географик ўрни, тадқиқотлар ўтказилган ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, тажриба тизими ва тадқиқот ўтказиш услублари, шунингдек, тадқиқотда қўлланилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Тадқиқот ўтказилган Жиззах вилояти географик жиҳатдан Сирдарё ва Зарафшон водийларининг оралиғида жойлашган бўлиб, табиий иқлими континентал субтропик, кескин ўзгарувчан иқлимга киради. Очиқ кунлар 240-270 кун атрофида бўлиб, ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 12-15⁰ ни ташкил қилади. Ўртача паст ҳарорат -19 дан -23⁰ гача, юқори ҳарорат +47⁰ гача бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

“Дўстлик” об-ҳавони кузатиш маркази маълумотларига кўра, тажриба ўтказилган 2008 йил экиш мавсумида фойдали ҳароратлар йиғиндиси 1998⁰С, 2009-2010 йилида 2157⁰С, 2010-2011 йилда эса кўп йилликка нисбатан 349⁰С га юқори бўлганлиги кузатилган.

Вилоятнинг тупроғи асосан типик ва оч тусли бўз тупроқ бўлиб, ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлар майдони 20 %ни ташкил қилиши келтириб ўтилган. Тажриба ўтказилган дала тупроғи механик таркиби жиҳатидан енгил кумоқ, ер ости сувлари 1,8-2,2 м чуқурликда жойлашган.

Тажриба даласи тупроқлари - гумус билан кам, азот ва фосфор билан жуда кам, калий билан эса юқори даражада таъминланган.

Тупроқнинг агрохимёвий таҳлили, жумладан, гумус И.В.Тюрин усулида, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари Л.П.Гриценко ва И.М.Мальцева усулида, нитратли азот ионометрик асбобда, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин усулида, алмашинувчи калий П.В.Протасов усулида, ўсимлик органларидаги умумий NPK миқдорлари И.М.Мальцева ва Л.П.Гриценконинг такомиллаштирилган усулларида аниқланганлиги қайд этилган.

Тажриба даласи тупроғининг 0-10, 10-20, 20-30, 30-40, 40-50 см қатламларидан цилиндрлар ёрдамида Н.А.Качинский усулида тупроқ ҳажм массаси ва ғоваклиги, П.Долгов усулида тупроқ сув ўтказувчанлиги, С.Н.Рыжов усулида тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) аниқланган. Амал

даври давомида тупроқнинг суғориш олди намлиги кузатилиб, суғориш тартиби ва ЧДНСга нисбатан таққосланган ҳолда суғорилган. Суғориш меъёрлари 0,5 м кенгликдаги (оқова сув 0,25 м. кенгликда) Чипполетти сув ўлчагичлари ёрдамида ўлчаб борилган.

Тадқиқот белгиланган тажриба тизимига мувофиқ дала шароитида 2008-2011 йиллар давомида Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани “Эсонбой ота” фермер хўжалиги далаларида кузги буғдойнинг экиш муддати, суғориш тартиби ҳамда маъдан ўғитлардан азотли ўғитни тавсия қилинган 180 кг/га меъёрини кузги буғдойнинг экиш-майсалаш, туплаш, найчалаш ва бошоқлаш даврларига турли меъёрларга бўлиб қўллаш асосида олиб борилганлиги диссертация матнида баён этилган.

Агрофизикавий ва агрохимёвий таҳлиллар «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» (1963), кузатув, ўлчов ва таҳлиллар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) қўлланмалари асосида ўтказилган. Олинган маълумотлар Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) дисперсли таҳлил усулида математик-статистик таҳлил қилинган.


Диссертациянинг “**Экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хусусиятларига таъсири**” деб номланган учинчи бобида тажриба даласини характерловчи 0-30 см ва 30-50 см тупроқ қатламларида гумус ва NPKларнинг умумий ва ҳаракатчан шакллари аниқланган. Унга кўра, тажрибанинг биринчи йилида дастлаб мавсум бошида гумус ўртача 0-30 см қатламда 0,697 %, 30-50 см қатламда 0,595 % ни ташкил қилган бўлса, азотнинг ўртача миқдори эса 0-30 см қатламда 0,069 %, 30-50 см қатламда 0,051 %ни ва фосфор миқдори 0-30 см қатламда 0,086 %, 30-50 см қатламда 0,060% ни ташкил қилган. Ҳаракатчан шаклларида эса NO_3 0-30 см қатламда 3,24 мг/кг, 30-50 см қатламда 2,16 мг/кг ни, P_2O_5 0-30 см қатламда 10,0 мг/кг, 30-50 см қатламда 7,1 мг/кг ни ва K_2O 0-30 см қатламда 380 мг/кг, 30-50 см қатламда 332 мг/кг ни ташкил этган.

Намлиқнинг юқори (65-75-60 %) бўлиши ўсимликларни нисбатан кўп миқдорда озикланиши учун шароит яратган бўлса, буғдойни 15 кун эрта муддатда экилиши майсалар илдизи яхши ривожланишига олиб келган. Буғдой юқори тартибда суғорилганда маъдан ўғитлар яхши эриб, ўсимликни яхши ўзлаштириши ва амал даври охирида озиқа моддаларнинг камайишига сабаб бўлганлиги аниқланган. Тажрибанинг эрта (1-10.10) муддатда экилган вариантларда 15-25.10 муддатда экилган вариантларга нисбатан гумус 0,020-0,025 % гача, умумий азот ва фосфор ва тегишлича 0,002; 0,005 %, алмашинувчи калий 20 мг/кг камайганлиги кузатилган.


Тажриба даласи тупроғининг хажм массаси амал даври охирида 1-10.10 муддатида экилган вариантларда суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % бўлганда йиллар бўйича тегишлича, тупроқнинг 0-30 см қатламида ўртача 1,26-1,30-1,29 г/см³, 30-50 қатламида 1,31-1,35-1,33 г/см³ га тенг бўлган. Шу муддатда суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % бўлганда тупроқ хажм массаси 0-30 см қатламда 1,29-1,32-1,31 г/см³, 30-50 қатламда 1,34-1,36-1,35 г/см³ га тенг бўлганлиги, 60-70-60 % тупроқ намлигига нисбатан юқори

суғориш тартибида ҳайдов қатламида тегишлича 0,03-0,02-0,02 г/см³ га, ҳайдов ости қатламида 0,03-0,01-0,02 г/см³ га, мавсум бошига нисбатан тупроқнинг ҳайдов қатламида 0,08-0,07-0,08 г/см³, ҳайдов ости қатламида 0,10-0,07-0,09 г/см³ га юқори бўлганлиги аниқланган (1-расм).

Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври бошида, 2008 йилда 6 соат давомида 825,2 м³/га ни, 2009 йилда 874,0 м³/га ва 2010 йилда эса 848,0 м³/га га тенг бўлганлиги, мавсум охирига келиб, 1-10 муддатда экилган вариантларда суғориш тартиби 60-70-60 % бўлганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги мавсум бошига нисбатан йиллар бўйича тегишлича 151,9-179,4-191,0 м³/га га, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % бўлганда эса, бу кўрсаткич тегишлича 190,9-228,7-250,7 м³/га камайганлиги аниқланган. Кузги буғдой 15.10 муддатда экилган вариантларда суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % бўлганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 178,6-211,9-214,3 м³/га ни, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % бўлганда 227,2-241,7-268,0 м³/га ни ташкил этганлиги аниқланган (2-расм).



1-расм. Тажриба даласи тупроқнинг ҳажм массаси (г/см³)



2-расм. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги, м³/га (6 соат давомида)

Тупроқ ғоваклиги мавсум бошида 2008 йил мавсумида тупроқнинг 0-30 см қатламида 53,46 % ни, 30-50 см тупроқ қатламида 52,31 % ни, мавсум охирига келиб бу кўрсаткичлар кузги буғдой 1-10.10 муддатда экилиб ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % да суғорилган 1-5 вариантларда тупроқнинг 0-30 см қатламида 51,54 % ни, 65-75-60 % тупроқ намлигида эса 49,62 % ни ташкил қилган.

2008-2009 йиллар мавсумида тажриба ўтказилган даланинг ЧДНС 0-70 см тупроқ қатламда 18,3 %, 0-100 см.да 19,8 %, 2009-2010 йиллар мавсуми учун бу кўрсаткичлар тегишлича 18,6; 19,9 %, 2010-2011 йиллар мавсумида тегишлича 18,7; 20,1 % га тенг бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойни суғоришда дастлабки ҳар иккала мавсумда ҳам 2010-2011 йиллар мавсумига нисбатан фарқ қилиб, найчалаш давригача суғорилмаганлиги ва 10-мартдан 1-май санасигача 1-5 вариантларда тупроқ намлиги тупроқнинг 0-30 см қатламида 14,9 % дан 12,2 % га, 30-50 см қатламида 16,6 % дан 13,8 %

га пасайганлиги аниқланиб, ушбу вариантлар тизимга асосан суғорилган. Тупроқ намлиги тажрибанинг 6-10 вариантларида тегишлича 15,2-12,9 %; 16,8-14,5 % эканлиги кузатилган ва шунга мос равишда суғорилганлиги баён этилган. Иккинчи экиш муддатида ҳам мазкур қонуниятлар кузатилган.

ЧДНСга нисбатан 60-70-60 % суғориш тартибида 2008-2009 ва 2009-2010 йиллар мавсумида бир марта 0-1-0 тизимда, уруғ суви билан икки марта, қолган 2010-2011 йиллар мавсумида эса, икки марта 0-1-1 тизимда, уруғ суви билан уч марта, мавсумий суғориш меъёри биринчи муддатда йиллар бўйича қуйи суғориш тартибида 1618,4-1503,9-1990,0 м³/га, иккинчи муддатда эса шу суғориш тартибида 1598,2-1506,4-2007,2 м³/га гани ташкил этган. Биринчи муддатда суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60 % бўлганда 2008 ва 2009 йиллар мавсумида икки марта 0-1-1 схемада, уруғ суви билан уч марта, ҳамда тажрибанинг қолган 2010 йиллар мавсумида худди шу ҳолатда 0-2-1 схемада, уруғ суви билан тўрт марта, тегишлича 2070, 1946,7, 2441,6 м³/га меъёрларда суғорилган.


Иккинчи экиш муддатида ҳам ушбу қонуният кузатилиб, фақат мавсумий суғориш меъёри бироз камайганлиги аниқланган. Бу кўрсаткичлар йиллар бўйича тегишлича 2027,0-1976,6-2342,0 м³/га тенг бўлганлиги баён этилган.

Тадқиқотларда бир центнер ҳосил учун сарфланган сув сарфи суғориш тартиблари бўйича ҳисоблаб чиқилган. Унга кўра, энг яхши кўрсаткич 1-10.10 муддатида экилиб, ўрганилаётган тупроқ иқлим шароити учун азотли ўғитларни кузги буғдойнинг майсалаш даврида 30 кг/га, туплашда 50 кг/га, найчалашда 60 кг/га ва бошоқлашда 40 кг/га меъёрда қўлланилган вариантларда кузатилган. Яъни, ушбу вариантларда 38,3, 37,3 м³/ц ни ташкил этган. Шундан келиб чиқиб, ўтлоқилашиб бораётган бўз тупроқлари учун ушбу вариант мақбул эканлиги изоҳланган.

Тажрибада ҳар бир вариантдан мавсум охирида олинган ўсимлик намуналари алоҳида (илдиз, барг, поя, бошоқ ва дон) ажратилиб, улар таркибида азот, фосфор ва калий миқдорлари аниқланган. Олинган маълумотларга кўра, ўсимликнинг тупроқдан озика унсурларини ўзлаштириши назорат вариантга нисбатан азот 20,83-55,32 кг гача, фосфор 13,97-35,37 кг гача ва калий 15,51-51,98 кг гача кўп ўзлаштирилганлиги, 1 центнер дон ва тегишлича сомон етиштириш учун сарфланган ўғит эса аксинча кам бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдойнинг илдиз ва анғиз қолдиқлари миқдори бўйича олинган маълумотларга кўра, суғориш олди тупроқ намлиги 65-75-60 фоизда суғорилган вариантларда 60-70-60 фоизда суғорилган вариантларга нисбатан тегишлича гектарига 0,8, 0,1, 1,2, 0,2, 0,4 центнер кўп илдиз ва анғиз қолдиқлари қолганлиги аниқланган.

Илдиз-анғиз таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдорлари экиш муддатлари бўйича таққосланганда, 15-25.10 муддатга нисбатан 15 кун олдин экилган назорат вариантларида азот, фосфор, калий 1,0; 0,3; 1,4 кг га, мақбул вариантларда тегишлича азот 2,5-2,9 кг га, фосфор 1,2-1,9 кг га ҳамда калий 3,4-4,1 кг гача юқори бўлганлиги хулоса қилинган (3-расм).



3-расм. Кузги буғдойнинг тупроқда қолдирган илдиз ва анғиз қолдиқлари орқали озика элементларининг тупроққа қайтиши

Диссертациянинг “Экиш муддатлари, маъдан ўғитлар меъёри ва суғориш тартибларини кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида ўрганилаётган омилларнинг кузги буғдойнинг униб чиқиши, кўчат қалинлиги, ривожланиш даврлари, умумий ва маҳсулдор поялар сони, бир бошоқдаги дон сони, вазни, 1000 дона дон оғирлиги, сифат кўрсаткичлари ва дон ҳосилдорлигига таъсири баён этилган.

Тажриба давомида эртаги муддат, 1-10-октябрда экилган вариантларда буғдой майсаларини униб чиқиши 1 м кв да ўртача йиллар бўйича 301,2-348,4-329,9 донани, 15-25-октябрда экилган вариантларда ўртача 285,0-334,6-316,1 донага тенг бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдой 30 кг/га (соф ҳолда) меъёрда азотли ўғит билан озиклантирилганда ўсимликларнинг қишлош даражаси озиклантирилмаган вариантларга нисбатан 1,2-1,6 %га яхшироқ бўлганлиги кузатилган.

1-10.10 муддатда экилганда уруғлар 20-кунда тўлиқ униб чиқиб суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 60-70-60% бўлганда 2008-2009 ва 2009-2010 йилларда тегишлича, туплаш 05.11-07.11 муддатда, найчалаш 07.03-11.03 муддатда, бошоқлаш 16.04-14.04 муддатда, гуллаш 27.04-26.04 муддатда ва пишиш 06.06-05.06 муддатда кузатилган бўлса, суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60% бўлганда бу кўрсаткичлар тегишли равишда тўлиқ униб чиқиш 6-7 кунга, тўлиқ туплаш 5-7 кунга, тўлиқ найчалаш 5-6 кунга, тўлиқ бошоқлаш 8-9 кунга, тўлиқ гуллаш 8-10 кунга, тўлиқ пишиш 11-12 кунга узайганлиги аниқланган. Бу қонуният 15-25.10 муддатда экилган вариантларда ҳам кузатилганлиги диссертация ишида баён этилган.

01-10.10 муддатда экилган, тупроқ намлиги 65-75-60% да суғорилган 5-вариантда ўсимликнинг 1 м²да умумий поялар сони 498,6 донани, шундан маҳсулдор поялар сони 364,0 дона бўлганлиги аниқланган. Шунингдек, назорат

вариантда ҳеч қандай ўғит қўлланилмасдан парвариш қилинганда ўсимлик бўйи 15-25.10 муддатда экилган назорат вариантларидан мавсум охирига келиб 5,7-5,8 см.га баланд, маҳсулдор поялар 6,0-8,8 донага кўп бўлганлиги, тажрибанинг 4-5 ва 9-10 вариантларда бу кўрсаткичлар тегишлича 5,8-12,9 ва 3,6-8,8 донага юқори бўлганлиги кузги буғдой учун мақбул эканлигини намоён этган.

1-жадвал

Азотли ўғитни қўллаш муддатларининг кузги буғдойни ўсиши ва ривожланишига таъсири


№ вар.	Азотли ўғит қўллаш муддат ва меъёрлари, кг/га				бошоқ узунлиги, см	бир бошоқдаги дон сони, дона	бир бошоқдаги дон вазни, гр	1000 дона дон вазни, гр
	экиш-майсалаш	туплаш	найчалаш	бошоқлаш				
Экиш муддати 01-10.10 суғориш тартиби 60-70-60 %								
1	-	-	-	-	4,1	30,4	1,03	33,9
2	-	80	100	-	7,4	34,4	1,36	38,0
3	-	40	60	80	7,6	33,7	1,35	39,2
4	30	40	50	60	8,2	35,2	1,41	40,0
5	30	50	60	40	8,3	35,6	1,45	40,7
Экиш муддати 01-10.10 суғориш тартиби 65-75-60 %								
6	-	-	-	-	4,6	31,3	1,07	34,2
7	-	80	100	-	7,6	35,3	1,41	38,5
8	-	40	60	80	7,9	34,7	1,40	39,7
9	30	40	50	60	8,3	36,0	1,46	40,6
10	30	50	60	40	8,5	36,3	1,49	41,0
Экиш муддати 15-25.10 суғориш тартиби 60-70-60 %								
11	-	-	-	-	3,9	30,4	1,02	33,5
12	-	80	100	-	6,9	33,8	1,32	37,0
13	-	40	60	80	7,2	32,3	1,30	38,4
14	30	40	50	60	7,8	34,1	1,35	39,6
15	30	50	60	40	8,0	34,3	1,38	40,2
Экиш муддати 15-25.10 суғориш тартиби 65-75-60 %								
16	-	-	-	-	4,2	31,2	1,05	33,6
17	-	80	100	-	7,2	34,5	1,35	37,6
18	-	40	60	80	7,5	33,0	1,34	38,8
19	30	40	50	60	8,0	34,9	1,38	39,5
20	30	50	60	40	8,2	35,0	1,40	40,0

2009-2010 йиллар давомида 01-10.10 муддатда экилган 4-5 вариантларда ҳосил элементлари 15-25.10 муддатда экилган 14-15 вариантларга нисбатан бир бошоқдаги дон сони 1,1-1,3 донага, вазни 0,6-0,7 г га, 1000 дона дон вазни 0,4-0,5 г га юқори бўлганлиги аниқланган (1-жадвал). Энг юқори кўрсаткич тупроқ намлиги 65-75-60 %да 30 кг/га майсалашда, туплашда 50 кг/га, найчалашда 60 кг/га ва бошоқлашда 40 кг/га меъёрда азотли ўғитлар билан озиклантирилган 10-вариантда бошоқ узунлиги 8,5 см, дон сони 36,3 дона, вазни 1,49 г, 1000 дона дон вазни 41,0 г га тенг эканлиги, назорат вариантга нисбатан бошоқ узунлиги 4,1 см, дон сони 5,0 дона, вазни 0,42 г, 1000 дона дон вазни 6,8 г га ортиқ бўлганлиги аниқланган.

Кузги буғдой донининг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан оксил назорат – ўғитсиз вариантда уч йилда ўртача биринчи муддат, 60-70-60 % суғориш

тартибида 12,2 %ни, клейковина эса 23,8 % ташкил қилган бўлса, энг юқори кўрсаткич худди шу фонда 4-вариантда, яъни экиш билан бирга 30 кг/га, туплаш даврида 40 кг/га, найчалаш даврида 50 кг/га, бошоқлаш даврида 60 кг/га азотли ўғит қўлланилган вариантда кузатилган (4-расм). Ушбу вариантда оқсил 16,1 %, клейковина 29,5 % эканлиги аниқланган. 5-вариантда оқсил ва клейковина 4-вариантга нисбатан бир оз кам, яъни тегишлича 15,5 % ва 28,8 %ни ташкил этганлиги аниқланган.

Туплаш даврида 80 кг/га, найчалаш даврида 100 кг/га азотли ўғит қўлланилган вариантда назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан оқсил ва клейковина тегишлича 2,7 %, 4,7 %га юқори бўлганлиги кузатилган.



4-расм. Кузги бугдой донининг сифат кўрсаткичлари.

15-25 октябр муддатида экилиб 60-70-60 % суғориш тартибида ўғитсиз вариантда оқсил 0,9 %, клейковина эса 0,8 %га, туплаш даврида 80 кг/га, найчалаш даврида 100 кг/га азотли ўғит қўлланилган вариантда тегишлича 0,6 %, 1,4 %га, экиш билан бирга 30 кг/га, туплаш даврида 40 кг/га, найчалаш даврида 50 кг/га, бошоқлаш даврида 60 кг/га азотли ўғит билан озиклантирилган вариантда 0,6; 1,5 %га эрта муддатда (1-10.10) экилган вариантларга нисбатан паст бўлганлиги аниқланган.

1-10.10 муддатда экилган кузги бугдой вариантларида суғориш тартиби ва азотли ўғитларни турли меъёрларида қўллашдан қатъий назар дон ҳосилдорлиги 15-25.10 муддатда экилган вариантлар дон ҳосилига нисбатан 1,5-3,5 ц/га миқдорида кўшимча дон ҳосили олинган. Айниқса, тажрибанинг 5-варианти, экиш муддати 01-10.10 бўлиб, азотли ўғитлар гектарига майсалашда 30 кг, туплашда 50 кг, найчалашда 60 кг ва бошоқлашда 40 кг меъёрда қўлланилганда кўшимча дон ҳосили 3,5 ц/га ни ташкил этган. Экиш муддати 15-25.10 бўлган 10-вариантда эса ушбу кўрсаткич 3,3 ц/гани ташкил этганлиги аниқланган (2-жадвал).

Суғориш тартиби ЧДНСга нисбатан 65-75-60% да суғорилиб, парвариш қилинган вариантлардаги дон ҳосилдорлиги суғориш тартиби ЧДНСга

нисбатан 60-70-60% намликда суғориб парвариш қилинган вариантлар дон ҳосилдорлигига нисбатан кузги буғдой 1-10.10 муддатда экилганда 1,6-2,1 ц/га, 15-25.10 муддатда экилганда эса 1,4-2,3 ц/га қўшимча дон ҳосили олинган.

2-жадвал

